



Ислом Нури

Савол:

Биз хозир чет элдамиз, бизга озик-овкатлар ҳам бепул берилади, шу жумладан сигарет ҳам берилади. Биз шу сигаретни сотиб юборсак ёки бошқа бизга фойдали нарсага айрибошласак жоизми?

Жавоб:

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам даврларида арок харом бўлган кунда кўчалар арокка тўлиб окди. Яъни уни кофирларга сотиб пулидан фойдаланишга рухсат бермадилар. Исломда бир нарса харом бўлса унинг пули ҳам харом бўлади.

Шунга кўра сигарет харом бўлгани учун уни бошқа нарсага алиштириб бўлмайди. Агар мажбурлаб берилса уни йўк килиб юбориш керак. Аллох ажрини беради ва пулингизга ҳамда ризкингизга барака беради.

Агар ана шу берадиган идорадан сигарет ўрнига бошқа халол нарса олишнинг иложи бўлса бу ҳам мумкин. Йўк, факат сигарет оласан деса уни олиб йўк килинади, бирорта чекадиган одамга бошқа нарсага алиштирилмайди. “Ким Аллохдан такво килса У зот унга чиқар йўлини килар ва ўйламаган жойидан ризклантирар” (Талок: 2)

«Яхшилик ва такво йўлида ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз! Оллохдан қўрқингиз! Шубҳасиз, Оллохнинг азоби қаттиқдир» (Моида: 3)